Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 159 (7649). ● 19 август, 1981 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республикада меҳмон бўлиб турган АДР ирригаторлари делегациясига бошчилик қилаётган Афғонистон Демократик Республикаси энергетика ва сув ресурслари министри Роз Муҳаммад Пактинни 18 августда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам афғон халқига самимий дўстлик туйғуларини изҳор этмоқдалар, унинг халқаро реакция кучларига қарши олиб бораётган мардона кураши билан бирдамдирлар, деб уқтириб ўтди.

Суҳбат давомида меҳмонга Ўзбекистон меҳнаткашлари совет ҳокимияти йиллари мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошириш учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаб берилди.

Ш. Р. Рашидов Ўрта Осиё республикаларида ва жумладан Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қарор топиши ҳамда ривожланишининг дастлабки босқичларига алоҳида тўхталиб ўтди, меҳнаткашлар оммаси Коммунистик партия раҳбарлигида, ленинча миллий сиёсат оғишмай амалга оширилиши туфайли турмушни янги социалистик асосда ўзгартириб юборганликлари, халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқларида янги-янги марраларни қўлга киритганликлари тўғрисида гапириб берди.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган гоят катта ишларни батафсил таърифлаб В. И. Ленининг декрети ана шу буюк ўзгартишларни бошлаб берганлигини таъкидлади. Мазкур декретга мувофиқ граждан урушининг машаққатли йилларида Туркистонда Мирзачўлни ўзлаштириш учун 50 миллион сўм пул ажратиб берилган эди. Ўшандан буён ўтган олтмиш йил мобайнида партиянинг иродаси, халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан неча юз минглаб гектар чўллар ва қақраб ётган даштлар унумдор пахтазорларга ва гуллаб яшнаётган бог-роғларга айлантирилдики, улар Совет Ўзбекистонига шуҳрат келтирган мўлкўл «оқ олтин» ва бошқа қимматли ҳосил бермоқда. Жаҳонда энг йирик ирригация системалари барпо этилганлиги кишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириб юборди, деҳончилик маданиятини юксак даражага кўтариш имконини берди. Суғориш, катта-катта сув омборларини қуриш — пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш имконинигина бериб қолмай, шу билан бирга ўлкани батамом электрлаштириш асосларидан бири бўлди. Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш, ирригация системаларини қуриш, экин майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини тобора комплекс механизациялаш, пахтанинг янги прогрессив навларини жорий этиш борасидаги ишларни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Барча совет республикалари каби Ўзбекистон ҳам янги ҳаёт қуришда, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда афғон халқига ҳар томонлама ёрдам бериб келди ва ёрдам бераверади. Бу ерда минглаб афғон йигит ва қизлари АДР халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган ихтисосларни эгаллаб олдилар ва ҳозир ҳосил қилинган билимларини ўз юртларида амалда муваффақиятли равишда қўлланмоқдалар.

Роз Муҳаммад Пактин эрксевар афғон халқининг Апрель революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашига маънавий ва моддий жиҳатдан бебаҳо мадад бераётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик сўзларини айтди. Биз, деди у, самимият ва меҳмондўстлик учун, совет кишилари, шу жумладан, Ўзбекистон мутахассислари ҳам янги ерларни ўзлаштиришда ва ирригация қурилишида, замонавий қишлоқ хўжалигини ташкил этишда демократик Афғонистон халқига бераётган катта ёрдам учун ўзбек дўстларимиздан миннатдормиз. У Ўзбекистон ирригаторлари ва мелираторларининг, хусусан Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасидаги тажрибаси афғон ҳамкасблари учун ҳам жуда қимматли эканлигини уқтирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Мелорация ва сув хўжалиги министри Н. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҲАР СОҲАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида экономиканн юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун халқ хўжалигини асосан интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштириш, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш қатори моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни ҳар томонлама тежаб-тергаб сарфлаш лозимлиги алоҳида уқтирib ўтилди. Чунки мамлакатимизнинг олға томон жадал ривожланиш манфаатлари мавжуд барча меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларидан моҳирона ва самарали фойдаланишни тобора кўпроқ тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий тежамкорликни кучайтиришга катта эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш ишини кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳам шундан далолат беради. Бу тарихий ҳужжатда мамлакатимизнинг моддий ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш бўйича катта иш программаси белгилаб берилди. «Ҳар бир совет кишиси ишлаб чиқаришда ва турмушда иқтисод қилиш ва тежамкор бўлиш учун курашга актив қўшилиши, бу умумхалқ ишига ўзининг конкрет ҳиссасини қўшиши керак», дейилади бу қарорда.

Областимиздаги ўнлаб ишлаб чиқариш коллективлари хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергияни тежаб-тергаб сарфлаш, исроф қилмасдан ўз ўрнида ишлатишда, бу билан кўплаб давлат маблағини иқтисод қилишда яхши натижаларга эришаётганликларини мамнунлик билан қайд қилиш керак. Улар бундай натижага ишлаб чиқаришни ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган илмий-техникавий тадбирларни изчиллик билан амалга оширish, тежамкорликда намуна бўлаётган коллективлар ва айрим ишчи-хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантиришнинг янги-янги формаларидан самарали фойдаланиш туфайли эришмоқдалар.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, республикамиз пойтахтидаги агрегат заводи, Олмалиқдаги мис эритиш ва руҳ заводлари, Ангрендаги кўмир разрези ва бошқа қатор бирлашмалар ҳамда корхоналарда тежамкорлик учун кураш яхши йўлга қўйилган. У бутун коллектив ва айрим ишчи-хизматчиларнинг жонажон иши, муқаддас вазифаси бўлиб қолган. Бу меҳнат коллективларида ишлаб чиқаришнинг барча муҳим кўрсаткичларини яхшилаш қатори тежамкорликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу муҳим иш қандайдир кампанячилик характерида бўлмай ҳар куни, ҳар соатда олиб бориляпти.

Шунинг учун ҳам Тошкент агрегат заводи ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда, Олмалиқ руҳ заводи коллективи эса маъдандан металл ажратиб олишда, Тошкентдаги биринчи пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси бичиқчилари чарм ва газлама материалларини тежаб ишлатишда, Тошкент тепловоз депоси машинистлари ёнилғини иқтисод қилишда дуруст натижаларга эришмоқдалар. «Ташсельмаш» заводи машинасозлари ўтган ярим йилликда 1131 тонна ёқилғи, 4000 гигакалорий иссиқлик энергияси, сал кам 1 миллион 400 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуларнинг ҳаммаси областимиздаги бу илғор корхоналарда моддий, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан мусобақанинг пухта ташкил этилганлигидан ҳам далолат беради.

Лекин, ҳамма корхоналар ва бирлашмаларда мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда имкониятларидан фойдаланиш ҳаракати яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Тежамкорлик масаласи билан изчил шуғулланмаётган, бу муҳим масалада катъийлик кўрсатилмаётган, ўзибўларчилик кайфияти ҳукм сураётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида катта қийинчиликлар билан кўплаб маблағ ва ишчи кучи сарфланиб, тайёрланган материаллар, ёқилғи-энергетика ресурслари ортиқча исроф бўлмоқда.

Машинасозлик корхоналарида мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан фойдаланиш коэффициенти ҳали ҳам сезиларли даражада яхшиланмаяпти, улар кўпи билан икки сменада ишлатиляпти. Темирчилик-пресслаш, тайёрлаш жараёнларининг технологияси замон талабидан орқада қолаётганлиги учун айрим деталлар вазни ўзига нисбатан икки-уч баравар огир бўлган заготовкалардан тайёрланмоқда. Бу металлнинг кўплаб исроф бўлишига олиб келмоқда. Қатор корхоналарда маҳсулот сифати кўнгилдагидек бўлмаяпти, натижада тайёрланган буюмларнинг сорти пасайтирилмоқда, ҳатто брakка ҳам чиқарilяпти.

Бу, айниқса, темир-бетон конструкцияларн ва деталлари, гишт заводларида, айрим кенг истеъмол товарларн ишлаб чиқарувчи корхоналарда кўзга яққол ташланмоқда. Ўзбекистон сунъий ва табиий кўн бирлашмаси, тара заводи, айрим пойабзал фабрикалари ҳамда бошқа корхоналарда ёқилғи-энергетика ресурсларининг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда. Бекобод цемент комбинати, Оҳангарон цемент бирлашмасида цементнинг ортиқча исроф бўлиши давом этмоқда, унн бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмаяпти.

Экономиканинг тежамли бўлишини таъминлаш давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунга эришмоқ учун жуда кўп иш қилиш, тинмай ижодий изланиш олиб бориш талаб этилади. Иқтисод қилишга ёрдам берадиган барча омиллар ва резервлардан фойдаланиш керак.

Шунинг учун ҳам жойлардаги партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва раҳбар хўжалик органлари ҳамма ишлаб чиқариш коллективларида қаттиқ иқтисодий тежамкорлик ўтказилишини, хўжалик ҳисобининг мустаҳкамланишини, хўжаликни интенсив юритиш усулларининг кенг жорий этилишини таъминлашлари лозим. Бунда, айниқса, меҳнаткашларни мавжуд ресурслардан тўла ва самарали фойдаланишга сафарбар қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, бу муҳим ишнинг ҳар куни, изчил ва ишчанлик билан олиб борилишига эришиш, кампанячилик кайфиятига берилмаслик керак. Хомашё ва материалларни тежаш, асраш, қайта ишлашда нобуд бўлишга йўл қўймаслик даркор. Бундай ресурсларнинг исроф бўлишига сабаб бўлаётган барча камчиликлар зудлик билан бартараф этилмоғи зарур.

Материаллар, хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб ҳамда оқилона фойдаланиш ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ишчи-хизматчининг жонажон иши бўлиб қолсин!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таъкидлаганидек, «...бизнинг бундан буёнги олға ҳаракатимиз барча мавжуд ресурслар — меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи ва хомашёдан, дала ва фермаларнинг маҳсулотларидан моҳирона ва самарали фойдаланишга тобора кўпроқ даражада боғлиқ бўлиб қолади».





ЗАРБДОР ВАХТАДА

БЕКОБОД районидаги «КПСС XXV съезди» совхози 5-бўлимининг Эргашбой Норматов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун кураш олиб бормоқдалар. Шу кунларда бригада далаларида ғўзаларга сўнгги бор ишлов берилмоқда. Суратларда: (юқорида) бригаданинг илғор механизатори Шарофиддин Ўсаров; (чапда) ғўзаларга ишлов бериш пайти.

А. Абалян ва Т. Маҳкамов фотолари.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ПУХТА ШАЙЛАНАЙЛИК

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИ, КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ВА ДАВЛАТГА ПАХТА ТОПШИРИШДА ЮКСАК СУРЪАТЛАРГА ЭРИШИШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

БУТУН совет халқи қатори Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни қизғин кутиб олиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1981 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар.

Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, механизаторларнинг фидокорона меҳнатлари билан область далаларида 1981 йилда давлатга пахта сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Область механизаторлари жами ҳосилнинг камида 85 процентини машиналарда териб беришга қатъий қарор қилганлар.

Колхозчиларнинг, совхоз ходимларининг, механизаторлар ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг йиғим-терими муваффақиятли ўтказиш, етиштирилган ҳамма ҳосилни эрта ва қисқа муддатларда давлатга топширишда актив иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети районлар, колхозлар, совхозларнинг Ўзбекистоннинг 5 миллион 900 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун қурашнинг ҳал қилувчи босқичида юксак суръатларга эришиш юзасидан социалистик мусобақалари шартларини эълон қиладилар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК мусобақада колхозлар, совхозлар, районлар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари иштирок этадилар.

Қуйидагилар социалистик мусобақа голиби бўладилар:

беш кунликда йиғим-терим ва давлатга пахта топширишда энг юқори ўсишга эришган колхозлар, совхозлар, районлар;

агрегатлар қувватидан самарали фойдаланиб, беш кунликда ва мавсум якуни бўйича юксак унумдорликка эришган пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА ЯКУН ЯСАШ ТАРТИБИ

1. Колхозлар, совхозлар, районлар ўртасида:

колхозлар, совхозлар, районлар ўртасидаги мусобақада юксак ўсишга эришиш учун 21 сентябрдан бошлаб 21 октябргача ҳар беш кунда, мавсум натижаларига кўра эса 1 ноябрдан кечикмай якун ясалади.

II. Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари ўртасида:

механик-ҳайдовчиларнинг терим агрегатларидан фойдаланишда юксак унумдорликка эришиш юзасидан социалистик мусобақаларига 21 сентябрдан бошлаб 21 октябргача ҳар беш кунда якун ясаб борилади.

Социалистик мусобақанинг асосий шартларидан бири, яъни терим суръати ва пахтанинг сифати юксак даражада бўлишига риоя қилиш учун машиналарнинг маркасига қараб белгиланган группаларда мусобақага алоҳида якун ясаладн. Механик-ҳайдовчилар қуйидаги уч группага бўлинадн:

биринчи группа — қатор ораси 90 сантиметр бўлган майдонда ишлайдиган ҳамма маркадаги икки ярусли машиналар;

иккинчи группа — қатор ораси 60 сантиметр бўлган майдонларда ишлайдиган тўрт қаторли 14ХВ-2,4 ва 90 сантиметрли майдонларда ишлайдиган ХН-3,6 маркали машиналар;

учинчи группа — қатор ораси 90 сантиметр бўлган майдонларда ишлайдиган ХВБ-1,8 ва 60 сантиметрли майдонларда ишлайдиган ХВА-1,2 маркали машиналар.

Мавсум давомида қуйидаги миқдорда пахта терган механик-ҳайдовчилар социалистик мусобақа голиби бўладилар:

биринчи группага қарашли икки ярусли машинада камида 185 тонна;

иккинчи группага қарашли тўрт қаторли 14ХВ-2,4 маркали машинада камида 215 тонна, ХН-3,6 маркали машинада камида 245 тонна;

учинчи группага қарашли ХВБ-1,8 маркали машинада камида 80 тонна ва ХВА-1,2 маркали машинада камида 65 тонна.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ

I. Илғор колхоз, совхоз ва районларни мукофотлаш учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 4 та шу жумладан районлар учун битта, совхозлар учун битта, колхозлар учун иккита кўчма Қизил байроқлари таъсис этилди.

Кўчма Қизил байроқлар билан бирга қуйидаги мукофотлар ажратилади:

районларга энг илғор механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва социалистик мусобақа пешқадамларини рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул;

совхозларга энг илғор механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва социалистик мусобақа пешқадамларини рағбатлантириш учун 300 сўмдан пул;

колхозларга энг илғор механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва социалистик мусобақа пешқадамларини рағбатлантириш учун 200 сўмдан пул.

Давлатга пахта топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарган колхозлар, совхозлар, районлар, область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар ва «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида эълон қилиб борилади.

II. Пахта териш машиналарининг илғор механик-ҳайдовчилари.

Ҳар қайси группада беш кунликда 1—10 ўринларни эгаллаган механик-ҳайдовчиларнинг номлари 21 сентябрдан бошлаб ҳар беш кунда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувларида қайд этиб борилади.

Мавсум давомида энг кўп пахта терган механик-ҳайдовчилар социалистик мусобақа ғолиби бўладилар. Энг юқори кўрсаткичга эришган механик-ҳайдовчиларга «Тошкент областининг 1981 йилги энг яхши механик-ҳайдовчиси» фахрий унвони берилади ва Турсуной Охунова номидаги мукофот топширилади.

Йиғим-терим мавсуми тугаб, етиштирилган жами ҳосил тайёрлов пунктларига ташиб олинганидан сўнг социалистик мусобақа ғолиблари бўлган механик-ҳайдовчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Бунинг учун ҳар бир районга 10 тадан жами 90 та қимматбаҳо совға ажратилиб, қуйидаги тартибда тақсимланади:

биринчи ўринни эгаллаганларга «Жигули» енгил автомашинаси;

иккинчи ўринни эгаллаганларга «Запорожец» енгил автомашинаси;

учинчи ўринни эгаллаганларга «Урал» кажавали мотоцикли;

тўртинчи ва бешинчи ўринни эгаллаганларга 500 сўмлик қимматбаҳо совға;

олтинчи ва еттинчи ўринни эгаллаганларга 300 сўмлик қимматбаҳо совға;

саккизинчи-ўнинчи ўринларни эгаллаганларга дам олиш уйларига бепул йўлланма.

Пахта териш машиналаридан икки сменада фойдаланилган тақдирда биринчи-ўнинчи ўринлар учун белгиланган мукофотларни экипажнинг камида 60 процент пахтасини териб берган механик-ҳайдовчи олади.

Кейинги илғор ўринларни эгаллаган экипажлар жами пахтанинг камида 30 процентини териб берган иккинчи механик-ҳайдовчини мукофотлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИ МУКОФОТГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

ИЛҒОР колхозлар, совхозлар ва районларни 21 сентябрдан бошлаб 21 октябргача ҳар беш кунда мукофотлаб боришни область статистика бошқармаси, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлимига тавсия этади.

Пахта териш машиналарининг илғор механик-ҳайдовчилари эришаётган кўрсаткичларни 21 сентябрдан бошлаб ҳар беш кунда матбуотда эълон қилиб боришни 1981 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш район штабларн «Тамоблсельхозтехника» бирлашмасига тавсия этади.

Йиғим-терим тугаб, етиштирилган жами ҳосил давлатга топшириб бўлингач, область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳар гектар майдондан энг кўп ҳосил йиғиштириб олган, йиғим-теримда комплекс механизацияни жорий этган, пахта сотишни кўпайтириб, унинг сифатини яхшилашга эришган иккита колхозда, битта совхоз ва районда доимий сақлаш учун қолдирилади.

Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг социалистик мусобақасига 15 ноябрь—1 декабрь оралиғида район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетлари, район комсомол комитетлари тавсияси билан умумий якун ясалади. Механик-ҳайдовчиларнинг мавсумда эришган кўрсаткичлари хўжаликларнинг бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

* * *

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, хўжаликларнинг мутахассисларн ва раҳбарларини, коммунист ва комсомолларни, областнинг барча меҳнаткашларини етиштирилган жами ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишда актив иштирок этиб, ҳар бир бригада, колхоз, совхоз ва районда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлашга даъват этади. Бу КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига муносиб жавоб бўлади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ўтган ўқув йилида Коммунистик райони бўйича партия маорифи системасида 16 мингдан ортиқ киши ўз сиёсий билимини оширди. Машғулотлар давомида тингловчилар ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга қаратилган кўплаб таклифлар билан чиқдилар. Бу таклифлар ҳозирги кунда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорларни асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори партия ташкилотлари, пропагандистлар олдига янги вазифалар қўйди. Қарорда партия ўқувини янада такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди. Эндиликда ўқиш 6 звено бўйича ташкил этилади. Ўқувнинг бу формаси коммунистлар, партиясиз активлар, олий ва тугалланмаган олий маълумотли кадрлар билимини маълум программалар асосида ошира боришга ёрдам беради.

Коммунистик район партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорини бажариш бўйича вазифалар конкрет белгилаб олинди. Докладчи район партия комитетининг иккинчи секретари И. И. Салимов, музокарада қатнашган «Политотдел» колхози партия комитетининг секретари, В. С. Пак, «Ўзбекистон» колхози аъзоси Ф. Ғозиева, «Правда» колхози цех партия ташкилотининг секретари О. Холиқов ўртоқлар меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш бўйича партия ташкилотлари бажараётган ишларни атрофлича таҳлил қилдилар, эътиборни партия ўқуви самарадорлигини янада оширишга кўмаклашувчи вазифаларга қаратдилар.

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Ленин райони саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг мингдан ортиғи 15 ташаббускор изидан бориб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга ахд қилган. Кўплаб ишчилар эса москваликлар ташаббусига қўшилиб Октябрь байрамигача йиллик планни бажариш учун курашмоқдалар.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари мусобақа самарадорлигини ошириш, унинг формаларини кенгайтириш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Мусобақа туфайли район саноатчиларни ой сайин топшириқларни ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.


Район бошланғич партия ташкилотлари секретарлари соатни машғулотида ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада яхшилаш, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва жанговарлик қобилиятини оширишда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратилди. Бу ҳақда район партия комитетининг иккинчи секретари Х. К. Муҳиддинов доклад қилди.

Шундан сўнг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ўзаро тажриба алмашдилар. В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг секретари М. Расулов иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти секретари Е. М. Михайлов ишлаб чиқаришда коммунистлар авангардлигини ошириш соҳасида тўпланган тажрибалар устида тўхталдилар.

Бошқа бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг чиқишлари ҳам машғулот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Аҳолининг қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида корхона маъмурияти бир қатор техникавий тадбирларни амалга оширдилар. Ишлаб чиқариш участкаларида янада серунум, замонавий машиналар ўрнатилди. Суратда: ирис ишлаб чиқариш цехида ўрнатилган янги машиналарни коммунистик меҳнат зарбдори Ойша Ҳамерова бошқармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



АЛЕКСЕЙ участка бошлиғи С. Коревскийнинг ёнида тўхтади.

— Қалай, бизнинг мусобақадошлар,— деди у узоқда ишлаётган Мамажонга ишора қилиб,— кўрсаткичлари яхшими?

— Яхши ҳам гапми, аъло! Бугун ҳам смена топшириғини 110 процентдан ошириб бажаришди. Сизлардан ўзиб кетишади шекилли. Бир қарағин-а, оёғидан ўт чақнайди уларнинг...

Коммунист Мамажон Норматов бошчилик қилаётган бригада йигитларини «қалбан олов шунқорлар» дейишади. Мамажон Норматов, Мирзараис Усмонов, Баҳодир Насриддинбеков ва Адҳам Эрматовлар бир бўлиб янги бригада ташкил этганларига ҳали бир йил ҳам тўлганича йўқ. Лекин маҳорат сирларини тиришқоқлик билан пухта эгаллаб келишлари туфайли ҳозирданоқ ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришяптилар. Улар бирмунча тажрибали Алексей Безгин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси билан мусобақадош.

Мамажон смена сўнггида бригада аъзолари билан суҳбатлашиб, келгуси кун амалга оширилиши керак бўлган ишларни планлаштирди. Кўрсаткичлар янада юксалиши учун айрим операцияларни янги технология асосида ташкил этишни таклиф қилди.

...Комсомол комитетининг секретари М. Норматовни чақиртириб узоқ суҳбатлашди. Цехда трактор шестернялари тайёрлашга ихтисослашган бригада ташкил этиш таклиф қилинганди. Кўпчиликнинг ишончини қозонган Мамажон бригадага бошлиқ қилиб тайинланган. Лекин бригаданинг ўзи ҳали ташкил этилмаганди. Бу вазифа ҳам унинг зиммасига юкланди. Норматов шу куниёқ Н. Мирзагиёсов, М. Усмонов, Б. Насриддинбеков, А. Эрматов сингари касбдош дўстларини бригадага бирлаштирди «Бир маҳаллада катта бўлдик, мактабни ҳам бирга битирдик, заводга ҳам бирга келдик, кўпдан бери дўстмиз. Бир-биримизни тушунамиз. Ҳамкор бўлиб меҳнат қилсак ишлар юришиб кетади». Мамажон шу гапларни хаёлидан ўтказиб, янги режалар туза бошлади...

Чуқур ўйлаб қилинган ишнинг умри узоқ бўлади. М. Норматов бошлиқ коллектив ҳозирги кунда Тошкент трактор заводининг энг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. Улар уюшқоқлиги, аҳиллиги, изланувчанлиги билан ҳам корхонада яхши таниш. Участкада ишлаб чиқарилаётган шестернялар етти хил операциядан ўтгач тайёр бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, бригаданинг барча аъзолари бу операцияларни тўла ўзлаштиришган. Ўн бешлар ташаббусига қўшилган аҳил бригада ана шунинг учун ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ 1982 йил ҳисобига маҳсулот топшираяпти.

О. ИСРОИЛОВА.

Соцмалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб юқори унум билан меҳнат қилган Олмалиқ мис эритиш заводининг коллективи дастлабки галабаларни қўлга киритди. Ўтган олти ой ичида металлурглар пландан ташқари анча кўп мис эритдилар. Айни пайтда корхона коллективи баракали меҳнат қилмоқда. Суратда: илғор металлург А. Березин.

В. Сироткин фотоси.

ЯНГИ МИКРОРАЙОНЛАР

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг қурувчилари республикамиз пойтахтида катта бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Шу йилнинг иккинчи ярим йиллигидан коллектив икки янги массивда беш қаватли турар-жой биноларини қуришга киришди. Ипподром—Гайдар кўчалари бўйлаб қурилаётган микрорайонда бир вақтнинг ўзида 400 оилага мўлжалланган олтита бино қад кўтара бошлади.

Самарқанд дарвоза — Оқтепа кўчаларидаги массивда ҳам бошқарма қурувчилари қизғин иш олиб бормоқдалар. Бу ерда беш қаватли 15 бино бунёд этилмоқда. Қурилишда З. Фатхутдинов, Р. Ягофаров, Н. Ванин бошчилик қилаётган комплекс бригада қурувчилари бригада пудрати асосида иш олиб бориб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАС

ОМИЛКОРЛИК САМАРАСИ

ЁҚИЛҒИ ва энергетикани сарф қилиш ҳажмини борган сари кўпайтириш зарур бўлган бир пайтда уларни қазиб чиқариш, тайёрлаш ва зарур иншоотларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар учун сарф ланадиган ҳаражатлар кўпайиб кетмоқда. Бундан ташқари, ерости бойликларини қазиш ишлари ҳажми ҳам кенгайяпти. Лекин уларнинг ўрнини қайта тўлдириб бўлмайди. Бу бойликлар эса туганмас миқдорда десак ҳато қиламиз. Ана шунинг учун ҳам ерости табиий бойликларидан, хомашёлардан, ёқилғи-энергетика ресурсларидан омилкорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланишни йўлга қўйиш — кечиктириб бўлмайдиган бугунги долзарб масалалардан биридир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хомашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш ишини кучайтириш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилингач, тежамкорлик ҳаракати янада кенг авж олди. Қарорда «Ҳар бир совет кишиси ишлаб чиқаришда ва турмушда иқтисодкорлик қилиш ва тежамкор бўлиш учун курашга актив қўшилиши, бу умумхалқ ишига ўзининг конкрет ҳиссасини қўшиши керак». деган сатрлари ўқиймиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишчининг у ёки бу борадаги ташаббуси бирлангина Совет Иттифоқи қолоқ ва аграр мамлакатдан саноати индустрлашган, қишлоқ хўжалиги коллективларга ва социалистик маданияти кенг ривож топган қудратли, илғор мамлакатга айланди. СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозониб, ривожланган социалистик жамият қурилганлиги, коммунистик қурилишда эришилган ва эришиладиган буюк муваффақиятлар партия ва совет халқи ижодий фаолиятининг буюк якуни бўлди.

В. И. Ленин меҳнаткаш омманинг битмас-туганмас ижодий кучларига қатъий ишониб, буларни социализм ва коммунизм ғалабасининг асосларидан бири, деб ҳисоблаган, донолик билан **«Халқ ва ишонган, жонли халқ ижодиёти чашмасидан куч-қувват олган кишиларгина ғалаба қозонади ва ҳокимиятни сақлаб қолади»** деган эди. Улуғ Ватан урушида совет халқининг кўрсатган буюк жасорати В. И. Ленин фикрларининг ҳаётий эканлигини яна бир бор исботлади. Бу урушда совет халқи халқаро империализмнинг зарбдор кучларини тор-мор келтириб, Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаб қолди, Европа цивилизациясини, дунё халқларини гитлерчилар асоратига тушиш хавфидан халос қилди. Шу тариқа совет халқи мисли-сиз жасорат кўрсатиб, душман устидан қозонилган ғалабанинг асосий бунёдкори бўлди.

Совет халқининг бутун қаҳрамонона кураш тарихи, унинг жанглардаги ва меҳнатдаги ғалабалари жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, партиянинг куч-қудрати, унинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқада ва монолит бирликда бўлганлигидадир. У оммани тарбиялаши ва ўргатиши билангина эмас, балки ундан ўзи ўрганиши билан ҳам кучлидир.

Коммунистик партия мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим ҳаётий масалаларни ишлаб чиқишда халқ оммаси билан ошкора маслаҳатлашади, омманинг фикр ва мулоҳазаларини зийраклик билан ҳисобга олади.

Партия ва халқ бирлигининг ҳаётбахш кучи **«СССР-нинг иқтисодий ва социал ривожлантиришининг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»** тўғрисида КПСС Марказий Комитети пленумларининг умумхалқ муҳокамасида ҳам яққол намоён бўлди. Пленумлар партия ва совет халқи яқдиллик билан тўла-тўкис маъқуллади. Унинг муҳокамасида 121 миллиондан кўпроқ киши иштирок этди. **«Миллион-миллион меҳнаткашлар партиянинг социал-иқтисодий режаларига ҳўжайинларча мақфаатдорлик билан муносабатда бўлаётганликлари,**— деди Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида,—**уларнинг давлат ишлари тўғрисидаги ғамхўрлиги, совет тузуми чинакам демократизмининг ифодасидир. Бу планларимиз муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим гаровидир».**

КПСС — совет халқининг йўлбошчиси, СССРда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчисидир. Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. У жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради. Шу тариқа коммунизм — партиямиз уюштириб, раҳбарлик қилаётган миллион-миллион халқ оммасининг ижодий меҳнати ва онгли фаолиятининг самараси бўлиб юзага келмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди бу фикрнинг гоят янги, ёрқин намойиши бўлди.

Съезд партия ва совет халқининг сўнгги беш йилликда эришган бунёдкорлик ишларига якун ясади ҳамда янги беш йилликда коммунистик қурилишнинг навбатдаги улуғвор вазифаларини белгилаб берди.

Янги беш йилликда СССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми 26—28 процент, Ўзбекистон ССРда эса 28—31 процент кўпайтирилади. Шу давр ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш йилига ўрта ҳисобда 12—14 процент кўпайтирилади. Донинг ўртача ялпи ҳосилини 238—243 миллион тоннага, пахта ҳосилини 9,2—9,3 миллион тоннага, шу жумладан Ўзбекистон ССРда 5,9 миллион тоннага етказиш назарда тутилган.

Янги беш йилликда халқ фаровонлиги янада ортади, савдо-сотиқ, халқ маорифи, фан, маданият ва санъат таъминоти ҳам бениҳоя ривожланади.

Партия бундай гоят буюк ва мураккаб программани ишлаб чиқишда биринчи навбатда ғоят яратувчи кучга — коммунистик жамиятнинг онгли ижодкори бўлган совет халқининг булоқдек қайнаб турган ижодий фаолиятига таянади. Эндиликда КПСС илгари сурган коммунизм қурилишининг ана шу ленинча программаси совет халқининг жонажон иши бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида айтилганидек, **партия ўн биринчи беш йилликка ва 80-йилларга мўлжаллаб ўртага қўйётган иқтисодий снёсат совет халқининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу снёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббуси, ғайрати билан қўшилиб, бирлашиб, жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизм модди-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олга қараб боришини таъминлайди.**

Шуни назарда тутиб, партиямиз халқимизнинг кучқудратини, унинг истеъдод ва заковатини КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар қилаётир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Грузия ССР ва Грузия Компартиясининг 60 йиллигига бағишланиб Тбилисида ўтказилган тантанали мажлисда айтганидек, КПССнинг XXVI съезди бутун совет халқининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини гоят жўш урдириб юборди. Съезд қарорлари одамларда янгидан-янги фикрларни вужудга келтирмоқда, янгилиниш сезиш туйғусини кучайтирмоқда. Съездда ҳукм сурган ғайрат-шижоат муҳити бутун мамлакатга ёйилди. Совет кишилари янги беш йиллик баҳорини дуруст кутиб олдилар.

Бепоён Советлар мамлакатида, жумладан, серқуёш Ўзбекистонда, унинг пойтахт областида ўнлаб ва юзлаб меҳнаткашлар коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўн биринчи беш йиллик планларини барвақт бажариш юзасидан янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқдалар.

Республикамиз саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорларининг ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ топшириқларни, республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг шу беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш соҳасидаги ташаббуслари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланиб, ишчи-хизматчилар, қурувчи ва бинокорлар коллективларида кенг ёйилмоқда.

Шуниндек, Тошкент областидан ўн олти нафар ишлаб чиқариш илғори ва новаторининг 1981 йил планини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш юзасидан социалистик мажбурият олганлиги, бир группа пахтакор бригадалар бошлиқларининг гектаридан 50—63 центнердан «оқ олтин» етиштиришга ахд қилганликлари, илғор чорвадорлар, сут соғувчилар, чиллакорлар, маккажўхоракорлар ва ғаллакорларнинг ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXVI съездида таъкидлаб ўтдики, социалистик мусобақа омманинг жонли ижодидир. Ўзининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ички резервларни топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради.

Ҳозир КПССнинг тарихий XXVI съезди қарорлари чўққисидан совет кишилари кўз ўнгида коммунистик қурилишнинг янги уфқлари очилмоқда. Совет халқи партия съездининг қарорларига ўзининг заҳматкаш меҳнати билан жавоб бермоқда, социалистик жамиятнинг бунёдкори сифатида майдонга чиқмоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари коммунизм сари биринчи бўлиб йўл олган қаҳрамон совет халқи изидан бормоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
доцент.

Бир корхона хабарлари

ТЕЖАМКОР КОЛОННА

Г. ШМАРИН бошчилигидаги коллективни Тошкент тепловоз депосида «Энг тежамкор колонна» деб аташади. Улар иккинчи квартал якуни бўйича 160 тонна ёнилғини тежаб, бу соҳада яна мусобақа ғолиби бўлишди. Колоннанинг А. Сатторов, Х. Исамуҳамедов, А. Матвеев каби машинистлари йиллик планларини 7 ойда бажариб, ҳозир 1982 йил ҳисобига ишламоқдалар. Улар 1981 йилнинг охирги 15 кунида тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаш мажбуриятини олишган.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР, ҲИССАСИ

ДЕПО рационализаторлари сафи тобора кенгаймоқда. 1981 йилнинг ўтган биринчи ярмида 130 таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, улардан 96 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди. Айниқса, бош мастер В. Газаев, мастер В. Аверьянов, слесарлар А. Захаров, А. Қосимовларнинг рационализаторлик таклифлари самарали бўлди.

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ

ДЕПОНИНГ 250 га яқин ишчи ва хизматчилари отпускаларини Сирдарё соҳилидаги «Меҳнат» туристик базасида ўтказишяпти. Дам олиш кунлари эса юзлаб ишчилар махсус автобусларда бу оромгоҳга бориб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришяпти.

Социалистик мусобақа голиблари, илғор ишчилар эса Тошкент темир йўл бўлинмасининг Хўжакентдаги дам олиш уйига бепул йўлланма билан таъминланяпти.

Ш. НАБИХЎЖАЕВА.

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЕТУК СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТ БУНЁДКОРИ

Совет халқи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини зўр кўтаринкилик билан амалга оширишга киришиб, барча иқтисодий-сиёсий ва маданий соҳаларда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Бу ғалабалар улуғ пролетар революциясининг буюк доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин ғояларининг, Коммунистик партия билан совет халқи бирлиги ва яратувчилик фаолиятининг ҳаётбахш кучини яққол намоён қилмоқда.

В. И. Ленининг буюк хизматларидан бири шундаки, у янги тарихий шароитда, пролетариат революцион курашининг тажрибалари негизида ижтимоий ҳаёт ривожида халқ оммасининг ҳал этувчи бунёдкорлик ролини асослаб берди. Жамият ривожининг бутун жараёни халқ оммасининг яратувчанлик роли ҳақидаги марксча-ленинча таълимотнинг гоят тўғри ва ҳаётий эканлигини тасдиқлади.

Ленин партияси раҳбарлигида ғалаба қозонган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўз моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучи билан халқ оммаси революцион ижодининг самараси эди. Революция жараёнида меҳнаткашлар оммаси мамлакатимиз тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб қолган эски тузумни емириб ташлади ва янги ижтимоий тартибларнинг ижодкори бўлиб майдонга чиқди. Бу революция миллион-миллион кишиларни Совет ҳокимияти орқали янги ҳаёт қуриш учун актив курашга бошлади.

Капитализмга қарама-қарши ўлароқ, социализмгина меҳнаткаш оммасининг ижодий ташаббуси ва яратувчилик фаолияти учун кенг имконият яратиб беради, унинг кучига куч қўшади, барча талант ва қобилиятларининг мавж уриб гуллаб-яшнашини таъминлайди. В. И. Ленин айтганидек, социализмгина «...меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига тортиш учун биринчи марта имкон беради, улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар. Ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар ва бу талант ҳамда қобилиятлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди...».

Янги ҳаёт қуриш йўлида халқ оммаси ижодий активлигининг ўсиб боришн етук социалистик жамият ривожининг объектив қонуниятидир. Шуни назарда тутиб, В. И. Ленин, социализм юқоридан берилган буйруқлар билан қурилмайди, маъмурий тўрачилик руҳи унга ётдир, **«жонли, ижодий социализм халқ оммасининг ўзи яратадиган ижоддир»** деб ўқтирган эди.

Коммунистик партия ана шу ленинча қоидага амал қилгани ҳолда, Ватанимиз меҳнаткашларини социализм қуриш учун курашга сафарбар қилди. Партиямиз раҳбарлик қилган миллион-миллион оддий кишиларнинг гоят буюк ижодий меҳнати ва революцион ташаббуси билан Совет Иттифоқи қолоқ ва аграр мамлакатдан саноати индустрлашган, қишлоқ хўжалиги коллективлашган ва социалистик маданияти кенг ривож топган қудратли, илғор мамлакатга айланди. СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозониб, ривожланган социалистик жамият қурилганлиги, коммунистик қурилишда эришилган ва эришиладиган буюк муваффақиятлар партия ва совет халқи ижодий фаолиятининг буюк якуни бўлди.

В. И. Ленин меҳнаткаш оммаларнинг битмас-туганмас ижодий кучларига қатъий ишониб, буларни социализм ва коммунизм ғалабасининг асосларидан бири, деб ҳисоблаган, донолик билан **«Халқ ва ишонган, жонли халқ ижодиёти чашмасидан куч-қувват олган кишиларгина ғалаба қозонади ва ҳокимиятни сақлаб қолади»** деган эди. Улуғ Ватан урушида совет халқининг кўрсатган буюк жасорати В. И. Ленин фикрларининг ҳаётий эканлигини яна бир бор исботлади. Бу урушда совет халқи халқаро империализмнинг зарбдор кучларини тор-мор келтириб, Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаб қолди, Европа цивилизациясини, дунё халқларини гитлерчилар асоратига тушиш хавфидан халос қилди. Шу тариқа совет халқи мисли-сиз жасорат кўрсатиб, душман устидан қозонилган ғалабанинг асосий бунёдкори бўлди.

Совет халқининг бутун қаҳрамонона кураш тарихи, унинг жанглардаги ва меҳнатдаги ғалабалари жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, партиянинг куч-қудрати, унинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқада ва монолит бирликда бўлганлигидадир. У оммани тарбиялаши ва ўргатиши билангина эмас, балки ундан ўзи ўрганиши билан ҳам кучлидир.

Коммунистик партия мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим ҳаётий масалаларни ишлаб чиқишда халқ оммаси билан ошкора маслаҳатлашади, омманинг фикр ва мулоҳазаларини зийраклик билан ҳисобга олади.

Партия ва халқ бирлигининг ҳаётбахш кучи **«СССР-нин иқтисодий ва социал ривожлантиришининг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»** тўғрисида КПСС Марказий Комитети пленумларининг умумхалқ муҳокамасида ҳам яққол намоён бўлди. Пленумлар партия ва совет халқи яқдиллик билан тўла-тўкис маъқуллади. Унинг муҳокамасида 121 миллиондан кўпроқ киши иштирок этди. **«Миллион-миллион меҳнаткашлар партиянинг социал-иқтисодий режаларига ҳўжайинларча мақфаатдорлик билан муносабатда бўлаётганликлари,**— деди Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида,—**уларнинг давлат ишлари тўғрисидаги ғамхўрлиги, совет тузуми чинакам демократизмининг ифодасидир. Бу планларимиз муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим гаровидир».**

КПСС — совет халқининг йўлбошчиси, СССРда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчисидир. Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. У жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради. Шу тариқа коммунизм — партиямиз уюштириб, раҳбарлик қилаётган миллион-миллион халқ оммасининг ижодий меҳнати ва онгли фаолиятининг самараси бўлиб юзага келмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди бу фикрнинг гоят янги, ёрқин намойиши бўлди.

Съезд партия ва совет халқининг сўнгги беш йилликда эришган бунёдкорлик ишларига якун ясади ҳамда янги беш йилликда коммунистик қурилишнинг навбатдаги улуғвор вазифаларини белгилаб берди.

Янги беш йилликда СССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми 26—28 процент, Ўзбекистон ССРда эса 28—31 процент кўпайтирилади. Шу давр ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш йилига ўрта ҳисобда 12—14 процент кўпайтирилади. Донинг ўртача ялпи ҳосилини 238—243 миллион тоннага, пахта ҳосилини 9,2—9,3 миллион тоннага, шу жумладан Ўзбекистон ССРда 5,9 миллион тоннага етказиш назарда тутилган.

Янги беш йилликда халқ фаровонлиги янада ортади, савдо-сотиқ, халқ маорифи, фан, маданият ва санъат таъминоти ҳам бениҳоя ривожланади.

Партия бундай гоят буюк ва мураккаб программани ишлаб чиқишда биринчи навбатда ғоят яратувчи кучга — коммунистик жамиятнинг онгли ижодкори бўлган совет халқининг булоқдек қайнаб турган ижодий фаолиятига таянади. Эндиликда КПСС илгари сурган коммунизм қурилишининг ана шу ленинча программаси совет халқининг жонажон иши бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида айтилганидек, **партия ўн биринчи беш йилликка ва 80-йилларга мўлжаллаб ўртага қўйётган иқтисодий снёсат совет халқининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу снёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббуси, ғайрати билан қўшилиб, бирлашиб, жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизм модди-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олга қараб боришини таъминлайди.**

Шуни назарда тутиб, партиямиз халқимизнинг кучқудратини, унинг истеъдод ва заковатини КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар қилаётир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Грузия ССР ва Грузия Компартиясининг 60 йиллигига бағишланиб Тбилисида ўтказилган тантанали мажлисда айтганидек, КПССнинг XXVI съезди бутун совет халқининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини гоят жўш урдириб юборди. Съезд қарорлари одамларда янгидан-янги фикрларни вужудга келтирмоқда, янгилиниш сезиш туйғусини кучайтирмоқда. Съездда ҳукм сурган ғайрат-шижоат муҳити бутун мамлакатга ёйилди. Совет кишилари янги беш йиллик баҳорини дуруст кутиб олдилар.

Бепоён Советлар мамлакатида, жумладан, серқуёш Ўзбекистонда, унинг пойтахт областида ўнлаб ва юзлаб меҳнаткашлар коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўн биринчи беш йиллик планларини барвақт бажариш юзасидан янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқдалар.

Республикамиз саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорларининг ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ топшириқларни, республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг шу беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш соҳасидаги ташаббуслари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланиб, ишчи-хизматчилар, қурувчи ва бинокорлар коллективларида кенг ёйилмоқда.

Шуниндек, Тошкент областидан ўн олти нафар ишлаб чиқариш илғори ва новаторининг 1981 йил планини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш юзасидан социалистик мажбурият олганлиги, бир группа пахтакор бригадалар бошлиқларининг гектаридан 50—63 центнердан «оқ олтин» етиштиришга ахд қилганликлари, илғор чорвадорлар, сут соғувчилар, чиллакорлар, маккажўхоракорлар ва ғаллакорларнинг ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXVI съездида таъкидлаб ўтдики, социалистик мусобақа омманинг жонли ижодидир. Ўзининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ички резервларни топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради.

Ҳозир КПССнинг тарихий XXVI съезди қарорлари чўққисидан совет кишилари кўз ўнгида коммунистик қурилишнинг янги уфқлари очилмоқда. Совет халқи партия съездининг қарорларига ўзининг заҳматкаш меҳнати билан жавоб бермоқда, социалистик жамиятнинг бунёдкори сифатида майдонга чиқмоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари коммунизм сари биринчи бўлиб йўл олган қаҳрамон совет халқи изидан бормоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
доцент.

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ...

Совхозимиз пахтакорлари бу йил 15 минг тонналик катта ҳирмон учун кураш олиб бормоқдалар. Юксак маррани кўзлаган бўлимимиз ишчилари ҳам ҳосилга-ҳосил қўшиш ойида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳамма майдонларимиздаги ғўзаларнинг бўйи 85 — 90 сантиметрга етди. Ҳар бир тупда 8-10 тадан бўлиқ кўсаклар пайдо бўлди. Маромида суғорилган майдонлар етилиши билан механизаторларимиз қатор ораларини чуқур қилиб юмшатишяпти.

Натижада ғўзаларнинг ўқ илдизларигача ҳаво етиб бормоқда. Бундай майдонларга қайта сув қўйилганда тупроқдаги озуқаларнинг ғўзага ўтиши тезлашмоқда.

Бўлимимиздаги Умарқул Қосимов, Эгамқул Қораев ва Бойсоқ Хожиев бошлиқ бригадаларда бир неча йилдан бери муттасил юқори ҳосил олинмоқда. Улар бу йил ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказиш ташаббуси билан чиқишди. Бу ватанпарварлик харакатини бўлимимиздаги бошқа бригада аъзолари ҳам қўллаб-қувватлашди. Шунга асосан 360 гектар майдондан пландаги 1784 тонна ўрнига 2500 тонна «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олишга аҳд қилдик. Мақсадимиз ҳар гектар ҳисобига 45 центнердан хирмон кўтаришдир. Бунинг учун ҳозиргача ғўза қатор ораларини саккиз марта юмшатиб, уч марта қондириб суғордик.

Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Бу даврда оқилона иш тутилиб, ҳосилга ҳосил қўшиш ҳам керак. Аксинча, бепаворлик қилинса,тўпланган ҳосилдан ажраб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳозирги кунда ривожланишдан орқада қолаётган майдонларга шарбат суви бераётирмиз.

Биз ғўза парваришини 25 августгача давом эттирамиз.

Бу даврда ғўзанинг талабига қараб суғорамиз. Ҳар сув оралиғида ғўза тупларида тўпланган ҳосилни тўкиб юбормайдиган қилиб икки марта ишлов берамиз. Шу йўл билан август ойи охирида ҳар туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак тўплашга эришамиз. Бу зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни бажариш имкониятини беради.

Бўлимимиз пахтакорлари ва механизаторлари ғўза парваришини сусайтирмаган ҳолда янги ҳосилни тез ва соз йиғиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. 14 пахта териш машинасидан 11 таси, 6 та кўрак териш агрегатидан 4 таси, 40 та тележканинг ҳаммаси мавсумга шай қилиб қўйилди. Қолганлари ҳам 20 августгача тайёр бўлади.

Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олиш ва юқори сортларга топшириш мақсадида иккита терим-транспорт отряди ташкил этамиз. Ҳар бир отряд -етарли мутахассислар, транспорт билан тўлиқ таъминланади. Бу эса пахта териш машиналари ва агрегатларини икки сменада тўлиқ ишлатиш имконини беради.

Халқ хўжалик планимизни 15 октябргача, социалистик мажбуриятимизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги кунигача бажариш учун барча имкониятни ишга соламиз.

Р.ШЕРАНОВ,
1-«Пискент» совхози 6-бўлимининг бошқарувчиси.



ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

Пахта тозалаш саноатининг Тошкентдаги марказий илмий текшириш институти олимлари катта тадқиқотлар устида иш олиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиқаришга жорий этган таклифлар ўтган беш йилликда катта самаралар берди. Суратда: институтнинг пахта тозалаш лабораторияси бошлиғи В. Никитин ва кичик илмий ходим А. Черепановлар иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

«АЪЛО» БАҲО БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ремонтдан чиқарилган терим техникаси «аъло» баҳо билан қабул қилинди. Барча 20 та пахта териш машинаси, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар, кўсак териш агрегатлари ишга шай қилиб қўйилди.

Механизаторлар барча йиғим-терим агрегатларини икки сменада ишлаш учун ҳозирладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК— КИЧКИНТОЙЛАРГА

Икки йилдирки Ғалаба районидаги Гул луб заводи ҳузуридаги болалар боғчасига корхона ёрдамчи хўжалигидан сут-қатиқ келтирилмоқда. Сут-қатиқ кичкинтойлар учун бепул берилади.

Корхонага 1979 йил ўнта, шу йилнинг бошида эса яна 21 та бузоқ сотиб олинган эди. Молларнинг умумий сони 51 тага етди.

Бу ерда ёрдамчи хўжалик ишини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳашар йўли билан 50 та қўйга мўлжалланган бино бунёд этилди. 1982 йилнинг январь ойидан бошлаб болалар боғчасини гўшт билан ёрдамчи хўжаликнинг ўзи таъминлайди.

Б. СОЛИҲОВ,
Ғалаба райони.

КИМГА ИШОНИШ КЕРАК?

ЎЛКАМИЗДА айни пишиқчилик. Тошкент шаҳрини олтин камардек ўраб турган сабзаворлар ва боғдорчилик районларида бўлган киши пайкаллардаги ранг-баранг маҳсулотларни, боғ-роғлардаги ширин-шакар мева ва узум ҳосилларини кўриб, гоят хурсанд бўлади.

Пойтахтдаги қатор колхоз бозорлари пештахталари ёз ноз-неъматлари билан тўкин-сочин. Чўғдек қизил помидор, барра бодринг, шираси сиртига тепиб турган турли нав шафтолилар, ҳўл мевалар кўзни қувонтиради. Харидорлар ўнни кўриб бирини танлашади.

Аммо, сархил бу маҳсулотлар деҳқонларнинг шахсий томорқаларидан келтирилган. Нархи ҳам шунга яраша баланд-роқ. Хўш, шаҳар районлари улгуржи-чакана савдо идораларининг ана шу колхоз бозорларида жойлашган сабзавот ва мева дўконларида аҳвол қандай! Маҳсулот турларн серобми! Сифати қандай! Харидорлар талабини қондира оладими!

Афсуски, йўқ! Бу дўконларда, аввало, исталган турдаги маҳсулотни топиш амри маҳол. Иккинчидан, сабзавот ва мевалар сифатсиз бўлганлиги учун пештахталарда узоқ туриб қолиб, яроқсиз ҳолга келган. Харидорлар бу дўконларга ҳар эҳтимолга қаршн бир кўз ташлайдилар-у, яна бозор айланиб, деҳқонлар сотаётган сархил, аммо қиммат маҳсулотни олишга мажбур бўладилар.

Нега шундай! Колхоз ва совхозларда етиштирилаётган ноз-неъматларнинг сархили қаёққа кетяпти!

Биз ана шу саволларга тўғри ва аниқ жавоб олиш учун мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат қилдик.

Дастлаб Оржоникидзе районидаги «ҚИБРАЙ» СОВХОЗ-ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИ ҚАЮМ ХОЛМИРЗАЕВнинг фикр-мулоҳазаларн билан танишинг.

ДАЛАДА САРА, ДЎКОНДАЧИ?

— ХЎЖАЛИГИМИЗДАН Тошкент шаҳридаги Куйбишев, Ленин районлари савдо ташкилотлари, ошхоналар ва ресторанлар трестлари ва бошқа ташкилотлар мунтазам маҳсулот олиб турадилар. Аммо, бу маҳсулотлар ҳар доим ҳам харидорлар кўлига вақтида етиб бориб, хўрандалар дастурхонини безаяпти, деб айтолмайман. Бу ҳақда, айниқса, маҳсулотларнинг сифатсизлиги ҳақида кўп гапириляпти. Натижа эса ҳамон ўша-ўша. Сабаби нима? Айб фақат хўжаликлардами?

Аввало шуни айтиш керакки, етиштирилаётган ҳосилимиз ҳеч қачон далада қолиб кетмайди. Ҳамиша ўз харидорини топади. Лекин, шартномачиларимиз шаънига айтиладиган эътирозларимиз бор. Баъзан улар даб-дурустдан бизга фалон сўмлик маҳсулот керак, деб туриб олишади. 15—20 машинани қатор қилиб қўйишади. Маҳсулот тайёр бўлса яхши, аксе ҳолда хўжаликлар шошма-шошарлик қилиб хом-хатала маҳсулотни териб беришга мажбур бўладилар.

Баъзан эса шартномачилар уч-тўрт кун бедарак кетишади. Тайёрлаб қўйган маҳсулотларимиз яшикларда турган жойида бузилиб, нобуд бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам харидорга жабр.

Агар шартномачиларимиз биз билан доимий алоқада бўлиб, бир кун илгари қанча маҳсулот кераклиги ҳақида аниқ буюртма беришса, ҳамма иш маромида бўларди.

Лекин бизда ҳам айб йўқ эмас. Савдо ташкилотларига жўнатиладиган маҳсулот сифатли бўлиши, бунинг учун уни авайлаб териш, навларга ажратиш керак. Кўпчилик деҳқонлар осон йўлни танлаб олмаларни аралаш қоқиб, заводга топшириб юбораверишади. Бу эса хўжалик экономикасига таъсир қилади, бозорда нархнавонинг ошишига сабаб бўлади

Яна бир масала ҳусусида жиддий ўйлаб кўриш керак. Хўжаликлар шаҳарликларга, асосан, олма ва узум етказиб беришади. **Гилос, олхўри, олча, шафтоли, нок, бехи каби мевалар жуда кам. Бунинг сабаби — ҳосилдорликка, бинобарин план кетидан қувишдек нотўғри одатга бориб тақалади.**

Масалан, бир гектар майдондан ўртача 30 тонна олма олинса, шафтоли 10—12 тонна, гилос 5—6 тоннадан ошмайди. Олча эса ундан ҳам кам ҳосил беради. Нархлари ҳам бир хил эмас. Бир килограмм олма — 47 тийин, шафтоли эса—36 тийин. Бундан ташқари олмадан бошқа меваларни парваришлаш, ҳосилини териб олиш ҳам қийин, жуда кўп меҳнат талаб этади. Хўжаликлар фаолиятига баҳо беришда маҳсулотнинг сифати ва турлари эмас, ҳосилдорлик яъни план қандай бажарилаётганлиги ҳисобга олинади.

Бу вазиятдан қутулиш учун, бизнингча, камчил мевалар нархини вақтинча бироз ошириш керак. Айтайлик, бир килограмм шафтоли магазин ва дўконларда 36 тийиндан эмас, 65—70 тийиндан сотилса ҳам бўлади. Чунки, бозорларда 3 сўмдан ҳам қиммат бўлиб турган ҳозирги пайтда харидор ютқазмайди.

Мен шаҳарлик ишчи-хизматчиларни сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш учун колхоз-совхозларни йирик саноат корхоналарига бириктириб қўйиш керак, деб ўйлайман. Шунда хўжаликларга ҳам, корхона ишчиларига ҳам катта қулайлик туғилади. Хўжалик шартномага мувофиқ ҳар куни зарур миқдордаги маҳсулотни тайёрлаб қўяди. Машиналар эса уларни тўғри заводга, сменаларда иш вақти тугаши арафасида етказиб беради.

Бу бир хўжалик ёки бир корхонанинг иши эмас. Унга барча йирик корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, совет, хўжалик органлари жиддий эътибор берсалар яхши бўларди.

...Директорнинг сўзларини тинглаб ўйланиб қолдик. Ҳақиқий аҳвол чиндан ҳам шундайми-кан! Далада сара бўлган ноз-неъматлар харидорга етиб боргунча бузилиб қолаётганлигига асосан савдо ташкилотларн айбдормн! Бу ҳақда КУЙБИШЕВ РАЙОН УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИ МАЛИК ҚОДИРОВ нима дейди!

СОТУВЧИГА ОСОН ТУТМАНГ

— БИЗГА шартнома асосида маҳсулот етказиб берадиган ҳамма хўжаликларда алоҳида тайёрлов пунктларини ташкил этганмиз. Деҳқонлар тайёр маҳсулотни ана шу пунктларга топширадилар. Бу ерда сараланиб, яшикларга жойлаштирилади ва буюртмалар бўйича шаҳримизнинг турли савдо шоҳобчаларига жўнатилади.

Афсуски, магазинлар орқали савдога чиқариладиган бу маҳсулотларни харидорлар талаби даражасида дея олмаймиз. Шуниси қизиқки, харидор сифатсиз маҳсулот сотаётганлиги учун магазинчи айбдор деб билади. Ростини айтганда, биз айрим хўжаликлардан норозимиз. Улар ўз фойдаларини кўлаб, сара маҳсулотларни кўпроқ чет шаҳарларга юборишни афзал кўришади. Қолганларини эса бизга ўтказишади. Бу маҳсулотлар майда бўлса ҳам қабул қилишга мажбурмиз. Акс ҳолда юқори ташкилотларга устимиздан арзномалар кўпайиб кетади. Мана бир мисол: бу йил «Октябрь» ва «Қизил Ўзбекистон» колхозлари етказиб бераётган пиёз анча майда, помидорлар эса бир-икки кун ичидаёқ чириб, сув бўлиб оқиб кетяпти.

Ҳўжаликлар сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари билан бирга турли резаворлар етказиб бериш тўғрисида биз билан шартнома тузишади. Аммо бирор марта ҳам белгиланган миқдорда резавор ололмаймиз. Магазинларимизда укроп, кашнич, петрушка, болгар қалампири деярли кўринмайди, Ваҳоланки, бозорларда тўлиб-тошиб ётибди.

Бундан ташқари хўжаликлар харидорлар талабэҳтиёжини ҳисобга олмай, кетма-кет бир хил маҳсулот жўнатаверишади. Натижада дўконларимизда бир неча кун давомида фақат картошка сотилади. Кейинги ҳафта эса пиёз тўлиб кетади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб келтириш учун шартномага кўра шаҳримиздаги 2312-автоколоннадан ҳар куни 14 машина ажратилиши керак. Бир-икки-та кам машина берилишига қарамай, кейинги вақтларда улар-нима сабабдандир ёнилғи билан тўлиқ таъминламаётир. Аксарият шофёрлар икки марта қатнар-қатнамас бензин тугаяпти, деб баҳона қиладилар. Шунингдек, машиналар бизнинг ихтиёримизга доимо кеч етиб келади. Хўжаликларга бориб маҳсулот олиб бўлгунча, ярим кун ўтиб кетади. Бу ҳақда тегишли жойларга бир неча марта мурожаат қилдик. Аммо ўзгариш бўлмаяпти.

Кўриняпти, турибдики, харидорлар талабини қондириш фақат хўжаликларга, савдо ташкилотларигагина эмас, автотранспорт ходимларига ҳам боғлиқ. Шундай экан, бу ишга барчамиз бирдек бош қўшишимиз керак.

Ўртоқ Қодировнинг айрим эътирозлари асосли кўринади. Жумладан, автотранспортчилар маҳсулот ташиб беришда масъулиятсизлик қилиб, пала-партишликларга йўл қўяётган бўлсалар, савдо ходимларига қийин бўлиши табиий, албатта. ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2512-АВТОКОЛОННА ДИРЕКТОРИ УРИНБОСАРИ ҲАИРУЛЛА ҒУЛОМОВ бу ҳақда қандай фикрда!

МАШИНАЛАР БЕҲУДА САРСОН БЎЛМАСИН

— ҲОСИЛНИНГ далада туриб қолмай ўз вақтида харидорларга етиб бориши учун биз имкониятларимиздан тўла фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадда автоколоннадаги машиналарнинг учдан бир қисмини Тошкент шаҳар савдо ташкилотлари, улгуржи чакана савдо идоралари ихтиёрига жўнатмоқдамиз.

Айрим идоралар раҳбарларининг даъволари ноўрин. Аввало, кечикиб келади, деяпшаларини кескин рад этамиз. Чунки, бизда иш куни соат 8 да бошланади. Ҳай довчи йўлланмани олиб, техника кўригидан ўтиб, белгиланган жойга етиб боргунча орадан 20—30 минут вақт ўтиши табиий. Ҳар бир районга юбориладиган машинадан битта бригадага уюшган. Уларнинг ҳай вақтда етиб боришлиги, неча километр йўл юрганлиги мунтазам қайд этиб борилади.

Яқинда автоколоннамиз ходимлари ва халқ контроли комитети ўтказган текшириш шуни кўрсатдики, буюртмачилар машиналар фойдали иш коэффициентидан тўла фойдаланмаяптилар. Масалан, ГАЗ-53А маркали машиналар юк ташиш қувватидан 30 процент, ГАЗ-51 маркали машиналар қувватидан 50 процент фойдаланилмоқда, холос.

Бизнингча, машиналардан унумли фойдаланиш масаласи қийин муаммо эмас. Масалан, маҳсулотни халқаро усулда ташишни жорий этиш фойдали бўлур эди. Айтайлик, бир магазинга оз-оз миқдорда 5—6 хил маҳсулот келтириш лозим. Юзаки қараганда бу маҳсулотларни битта машинада ташиб келтириш қулайдек туюлади. Лекин аслида шофёрнинг меҳнати икки-уч баравар қийинлашиб кетади. Чунки у турли хил маҳсулот олиш учун далама-дала кезиб юриши керак. Бунга чек қўйиш учун ҳар бир машинага бир хил маҳсулот ортиш ва уни халқасимон усулда буюртмалар бўйича дўкон ва магазинларга тарқатиб чиқиш керак. **Ана шунда савдо дўконларидаги маҳсулотларнинг турн хилма-хил бўлади ва мунтазам янгиланиб туради.**

Мана биз мутасадди учта ташкилот раҳбарларининг фикр ва мулоҳазалари билан таништик. Улар бир-бирларига эътироз билдиришади, айрим даъволаркин рад этишади, таклифлар киритишади. Хўш, кимга ишониш керак!!.

Юқорида айтилган гапларни шарҳлаб беришни область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича БОШ ДАВЛАТ ИНСПЕКТОРИНИНГ УРИНБОСАРИ ЎРТОҚ МЭЛС ХЎЖАЕВдан илтимос қилдик.

ТАКЛИФЛАР ФОЙДАЛИ-Ю, БАҲОНАЛАР ЎРИНСИЗ

— БИЗ баҳс юритаётган муаммо ҳақиқатан ҳам мунозара талаб мавзудир. Шаҳарликларни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга даъват этилган ташкилотлар раҳбарларининг куюниб -сўзлашлари бежиз эмас, албатта. Чунки, айни пишиқчилик мавсуми бўлган ҳозирги кунда помидорнинг бозор нархи анча юқори. Холбуки, областимизда шу кунгача тайёрланган жами маҳсулотнинг 30 процентидан кўпрогини помидор ташкил этади. Демак, далада ҳосил бор. Фақат уни териш, ташиш ва сотишда ҳамжиҳатлик йўқ.

Айрим савдо ташкилотлари, ҳатто, қаллоблик йўлига ўтиб олишган. Улар бозорларда қайси маҳсулотнинг нархи ошса, эртаси куни шартномачилари даласига бориб, ана шу маҳсулотдан кўпроқ тайёрлаб беришларини талаб қилишади. Ўзлари аввал сўраган тайёр маҳсулотларни олмай, рад этишади. Бундай ҳол тез-тез такрорланавергач, деҳқонларнинг савдо ташкилотларидан ҳафсалалари пир бўлиб, маҳсулотни консерва ёки вино заводларига топшириб юборишлари табиий, албатта.

Шу нуқтаи назардан қараганда «Қибрай» совхоз-заводи директори ҳақли эътироз билдирган. **Унинг хўжаликларни йирик саноат корхоналарига бириктириб қўйиш тўғрисидаги фикрини, бизнингча, қўллаб-қувватлаш лозим.** Шунингдек, айрим камёб мева турлари давлат нархини ошириш борасида ҳам тўғри фикр юритган. Агар шундай қилинса, хўжаликнинг даромади ошади, харидор ҳам ютади.

Қуйбишев район улгуржи-чакана савдо идораси директори «хўжаликлар негадир харидорлар талаб-эҳтиёжини ҳисобга олишмайди», деб қисман тўғри эътироз билдиради. Бироқ, у ўз фикрини етарлича исботлай олмаган. Аслида гап бундай: кўпгина хўжаликлар Тошкент шаҳридан ташқари чет шаҳарларга ҳам маҳсулот жўнатадилар. Маҳсулот харидорлар қўлига бориб етгунча анча вақт ўтишини ҳисобга олиб меваларни пишишидан 5—10 кун илгари яъни хомроқ узишади. Бу тажрибаларда синалган, ўзини оқлаган тўғри усул. Баъзан эса ортиб қолган ана шундай маҳсулотлар пойтахт шаҳар савдо тармоқларига ҳам бериб юборилади. Албатта, бундай хом маҳсулотни ҳеч ким дўкондан сотиб олмайди.

Шунга қарамай шаҳар улгуржи чакана савдо идораларининг иш фаолиятини кўнгилдагидек дейиш нотўғри бўлур эди. Ҳар бир хўжаликда бу идораларнинг тайёрлов пунктлари бор. Бу ерда даладан келтирилаётган маҳсулотларни қабул қилиб олишда сифати устидан қатъий назорат ўрнатиш керак.

Савдо идораси раҳбари хўжаликларда резавор етиштиришни кўпайтириш тўғрисида яхши фикр билдирган. Бироқ, уларнинг ўзлари бу маҳсулотларни етказиб бераётган деҳқоннинг меҳнатини қадрламаяптилар. **Маълумки, резаворларни харидор қилограммлаб сотиб олмайди. Бунинг учун яхшилаб ювиб, саралаб, майда-майда боғлам қилиш керак. Бу кўп вақт талаб қилади.** Афсуски, деҳқоннинг вақти тиғиз. У каттакатта боғлам қилиб, дўконларга юборишга мажбур. Сотувчилар бу боғламларни шундайлигича пештахталарга ташлаб қўядилар.

Юқорида айтилган гаплардан кўринтб турибдики, машиналарнинг савдо ташкилотларига кеч етиб бориши, ёнилғи билан тўла таъминланмаслиги ҳақидаги эътирозлар асоссиздир. Машиналарнинг юк ташиш имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлиги аниқ фактлар билан исботлаб берилган. Ўртоқ Ғуломовнинг халқасимон усулда маҳсулот тарқатишни нўлга қўйиш тўғрисидаги фикрига эса қўшилиш керак. Дўконга маҳсулот келтирган машина бўш қайтмай, бу ерда анча вақтдан бери туриб қолиб, эскирган маҳсулотни ортиб, консерва ёки вино заводига етказиб берса, бир йўла икки юмушни бажаради.

Айрим ҳолларда улгуржи-чакана савдо идоралари планни бажариш мақсадида хўжаликлардан ортиб келинган янги, сархил маҳсулотни заводларга топшириб юборадилар.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳарликларга сабзавот, полиз ва мева маҳсулотларини ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш борасидаги кўп ишлар савдо ташкилотларн фаолиятларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Улар юз бераётган аҳволни чуқур таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқариб олишлари ва ишда кескин бурилиш ясашларн лозим!..

А. ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
А. ҲАЙДАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ФАКТ ВА ШАРҲ

Дунё овози

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПОЛЬША РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА ПХР МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАРШАВА, 17 август. (ТАСС). Польшанинг марказий газеталари Л. И. Брежневнинг С. Каня ва В. Ярузельский билан учрашуви тўғрисидаги ахборотнинг тўла текстини «Польша билан СССР халқлари ўртасидаги дўстлик Польша учун оғир бўлган ҳозирги пайтда яна бир бор тасдиқланмоқда», «Польша — Совет дўстлиги — Европада кучлар нисбатининг туб асосларидан биридир», «Польша — Совет дўстлигининг янги тасдиғи» сарлавҳалари остида босиб чиқарди.

«Трибуна люду» газетаси эълон қилган шарҳда қайд этиладики, Польшадаги вазият фавқулодда бўлиб, шу боисдан ПБИП Марказий Комитети Бош секретари ва Польша ҳукумати бошлиғининг Совет Иттифоқи олий мартабали раҳбарлари билан олиб борган музокаралари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Кримдаги амалий учрашув ПБИП IX фавқулодда съездидан кейин олий даражада биринчи марта бевосита фикрлашиш имконини берди. Биз, деб уқтиради газета бу съездни сиёсий ҳужум уюштириш, чуқур кризисни бартараф этиш, социализмга душман бўлган барча кучларнинг кирдикорларига барҳам бериш учун асос деб биламиз.

Музокаралар чоғида Польша томони мамлакатимиздаги хавф-хатар тўғрисида, вазиятнинг мураккаблиги ва Польша барқарорликни тиклаш йўлида дуч келинаётган қийинчиликлар ҳақида ахборот берди. Мана шу масалалар муайян вақтдан буён иттифоқчиларимизни ташвишлантириб келмоқда. Л. И. Брежневнинг совет коммунистлари, барча совет кишилари ПХРдаги воқеаларни жиддий эътибор бериб кузатиб келмоқдалар. Польшада социализмнинг ташқи ва ички душманлари антисоветизмни қурол қилиб олиб халқ Польшаси билан Совет Иттифоқи ўртасида, унинг бошқа ишончли дўстлари ва иттифоқчилари ўртасида умид боғламоқдалар, деб айтган гапларини худди шу тарзда тушуниш керак.

Кримдаги музокаралар дарҳол ҳал қилинишини талаб этаётган бугунги кунининг энг шошилинч проблемаларигагина эмас, шу билан бирга кенг халқаро кўламдаги масалаларга ҳам даҳлдор бўлди. Польша билан СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорлиги ва халқаро майдонда ПХРнинг доимий мавжудлиги АҚШнинг буюк давлатчилик сиёсатидан иборат йўли тарбнинг бошқа давлатлар ички ишларига аралашуви кучайиб кетаётган, кураштнинг пойгаси авж олдирилаётган бир вазиятда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Қуролланиш пойгасини авж олдиришдан кузатилган мақсад социалистик ҳамдўстликни заифлаштиришдан иборатдир. Совет Иттифоқининг Польша дуч келган проблемаларга муносабатини ва дўстларимиздан олаётган ёрдамни биз юксак қадрлаймиз, деб таъкидлайди «Трибуна люду» газетаси. ПБИП ҳамда мамлакатимизда социализм позициясида туриб курашаётган барча кучлар ҳам ўз ҳаракатларида шундай шартга асосланадиларки, социалистик ҳамдўстликда Польша эгалладтурган ўрни бизнинг миллий манфаатларимизга мос бўлиб тушади. Польша ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари асло ўзгармасдир.

Н. ЧАУШЕСКУ НУТҚ СЎЗЛАДИ

БУХАРЕСТ. РКБ Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску «Скинтейя» газетасининг 50 йиллиги ва Руминия матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтди: нейтрон қуролига қарши қатъиян курашиш зарур. Ядро қуролини ҳар қандай қўлланиш ҳаёт ва цивилизациянинг емирилишини билдиради.

Н. Чаушеску қуролсизланиш, биринчи навбатда ядровий қуролсизланиш керак, деган қатъий фикрни айтди. Хавфсизликни қуроллар-ни муттасил қисқартириш йўли билан таъминлаш керак. Бу барча халқлар манфаатларига мос бўлиб тушади. Европа мамлакатлари реал қуролсизланиш учун барча зарур ишларни қилишлари керак.

НЕЙТРОН ТЕЛБАЛИГИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Компартиясининг Бош секретари Г. Холл Рейган маъмуриятининг нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисидаги қарорини инсониятни йўқ қилиш хавфини туғдираётган ядро фелокати сари қўйилган қадам деб атади. Г. Холл Чикагодаги жамоатчилик митингида сўзга чиқиб, шуни таъкидладики, одамларни ўлдириб хусусий мулкни дахлсиз қолдирадиган шундай вахшийлик ва геноцид қуролини капиталистик жамиятгина вужудга келтира олиши мумкин. Шуниси характерлики, Қўшма Штатлар нейтрон бомба ишлаб чиқаришга киришаётган инсоният Американинг атом қуроли юз минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган шаҳар — Нагасаки фожиасининг 36 йиллигини нишонлаётган кунда эълон қилди. Шундай қилиб, АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўзининг батамом аҳлоқсизлигини, ҳаёсизлигини ва халқаро афкор оммани менсимаслигини бутун дунёга намойиш қилдилар.

Г. Холл Америка жамоатчилигини нейтрон қуролига ва АҚШ маъмуриятининг милитаристик сиёсатига қарши кенг норозилик кампаниясини авж олдириб юборишга чақирди. Нейтрон бомбасига қарши кураш, деб таъкидлади у, — ядро фалокатига қарши, тинчликни ва инсониятнинг ўзини сақлаб қолиш учун кураш демакдир.

БИРЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ЭШИТТИРИЛДИ

МЕХИКО. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Мексикадаги бешта сўл партиянинг бирлик декларацияси ўқиб эшиттирилди.

Ҳужжатда қуйидагилар уқтирилади: Мексика компартияси, Мексика меҳнаткашлар партияси, Мексика халқи партияси, революцион социалистик партия ҳамда социалистик бирлик ва ҳаракат партиясининг раҳбарлик органлари ишчилар синфи ва барча Мексика меҳнаткашлари олдидаги бутун жавобгарликни ва бурчни англаб, ўз сиёсий ташкилотларига кучларни бир партияга бирлаштиришни таклиф этиш тўғрисида бир битимга келдилар.

Бешта сиёсий ташкилотнинг ҳаммаси ўз олдига қўйган принциплар ва вазифаларнинг муштараклиги, дейилади декларацияда, мазкур қарорни қабул қилиш ва янги революцион партиянинг вужудга келиши учун асос бўлди.

Фаолияти илмий социализм принципларига асосланадиган янги революцион партия Мексика ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун кураш воситаси бўлиб қолади.

Чуқур сиёсий, иқтисодий ва социал ўзгартишларни амалга оширишнинг шарти сифатида мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш бу партиянинг бош мақсади бўлади.

ИНДОНЕЗИЯНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

ЖАКАРТА. Индонезия халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан тинч ҳал этиш учун курашмоқда, деди мамлакат президенти Сухарто парламентининг навбатдаги сессияси очилишида сўзлаган нутқида.

Индонезия ҳукумати, деди у, араб халқларининг ва биринчи навбатда Фаластин халқининг Исроил агрессив хуружларига қарши олиб бораётган адолатли курашини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Жанубий Африка Республикаси мазмурлари ўзгариб келаётган ирқий камситиш сиёсатини қатъий қораламоқда. Индонезия, деб уқтирди президент, қўшилмаслик ҳаракатида, ривожланаётган мамлакатларнинг бирмунча адолатли халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш учун курашида актив қатнашмоқда.

(ТАСС, 17 август).

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГИЁҲ ТЎПЛАДИЛАР

Тошкент фармацевтика институти студентлари ёзги меҳнат семестрларини Воронеж областининг Новоусман районидаги «Лекарствопром» совхозида ўтказишди. Бу совхоз фармакологик корхоналарга турли хилдаги шифобахш ўсимликларни етказиб беришда асосий база ҳисобланади.

Студентлар ўз билимларини янада мустаҳкамлаш ва совхозга яқиндан ёрдам бериш учун ҳалол меҳнат қилиб юксак кўрсаткичларга эришдилар. Айниқса, Д. Ҳамроев, С. Торобаева ва У. Хусанов каби студентлар намуна кўрсатишди.

Совхоз ишчилари студентлар ёрдамидан мамнун бўлдилар.

У. НАЗАРОВ.

БОЛАЛАР ТУРИЗМИ

Чорвоқ сув омборида ишга тушган марказий болалар экскурсия-туристик станцияси туризм моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлди.

Станция палатали шаҳарчани эслатади. Бу ердан ҳар йили икки ярим минг ўғил-қиз махсус маршрутлар бўйлаб туристик саёҳатларга отланишади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ҳамда область ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида болалар туризми ҳодимлари учун курслар ташкил этилди. Мутахассислар бу курсларда шу соҳага оид методик ишлар олиб бориш тажрибалари билан таништирдилар.

С. ОДИЛОВА.

ЯНГИ ДОРИХОНА

Оққўрғон районидаги «Октябрь» қишлоғида янги дорихона ишга туширилди. Ў замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, турли хил дори-дармонларни тезда тайёрлаш мумкин.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ, колхозчи.

* * *

Шунингдек, редакциямизга тошкентлик М. Аҳмедов, чирчиқлик В. Ивлев, оққўрғонлик М. Канзафаров, бекободлик Х. Отақулов, Оржоникидзе районидан У. Ниёзов ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хатхабарлар йўллашган.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● СУЗИШ. Москвада сузиш бўйича СССР чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақаларнинг сўнгги кунида тошкентлик 16 ёшли Ларисса Белоконь 100 метрга брасс усулида сузишда 1 минут 11,56 секунд натижа кўрсатиб, СССР чемпиони бўлди. Тошкентлик спортчи бу билан халқаро классдаги СССР спорт мастери нормативини бажарди. Ларисса Белоконь икки кун аввал 200 метрга брасс усулида сузишда кумуш медалга сазовор бўлган эди.

Умумкоманда ҳисобида республикамиз спортчилари 2210 очко тўплаб, кучли олтиликка киришди.

● ВЕЛОСПОРТ. Словакия кўчаларни бўйлаб кўп кунли велопойга мусобақалари бўлиб ўтаётир. Пойганинг етмиш бешинчи босқичида яна олмалиқлик динамочи Шоҳид Загриддинов биринчи ўринни эгаллади.

● ШАХМАТ. Республика шахмат-шашка клубида «Ёш ленинчи» газетаси соврини учун республика очиқ мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Кеча иштирокчилар олтинчи тур ўйинларини ўтказишди. Беш турдан сўнг беш очко тўплаган тошкентлик мастерликка номзод Л. Баренбаумер пешқадамлик қилаётир. В. Логинов ва А. Тошхўжаевлар активда 4,5 тадан очко бор.

● ФУТБОЛ. «Спартак» — «Зенит» матчи билан олий лига вакилларининг навбатдаги тур ўйинларига якун ясалди. Ўйин 1:1 бўлди. Биринчи лигада иштирок этаётган «Бўстон» ўз майдонида Кострома шаҳрининг «Спартак» командасини 4:2 ҳисобида маглуб этди. Иккинчи лига: «Соҳибкор» — «Хоразм» — 2:0, «Старт» — «Хива» — 2:0.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи базасидаги

176-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агар Сиз 8—10 синфни тамомлаган бўлсангиз, қуйидаги ихтисосликлардан бирини танлаб ўқишингиз мумкин: АВТОСЛЕСАРЬ (электр пайвандчилик касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномаси берилади. **Ўқиш муддати** — 3 йил. Ўқишга кирганлар ётоқхона билан таъминланмайдилар; **бир йил муддатли ўқиш группаларига электрик, универсал-фрезерчи, электр кўприкли кранларнинг машинистлари** (қизлар қабул қилинмайдилар). Стипендия тўланади: **универсал-токарь, синовчи-тракторчи** (механика-йигув ишлари бўйича слесарь касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномаси берилади. **Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; электр пайвандчи** (15,5 ёш), **саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, техника контроли бўлими контролери** (17,5 ёшдаги қизлар), **автослесарь** (электр пайвандчилик касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади). **Ўқиш муддати — 3 йил; сиилиқловчи** (17,5 ёш). Стипендия тўланади; **пресслаш ускунаси оператори** (17 ёш), **прессчи.** Стипендия тўланади: **электр пайвандчи** (17,5 ёш), **дурадгор, қурувчи-бўёқчи** (15,5 ёш).

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқишни тамомлаганлар ўрта маълумот тўғрисида диплом ҳамда касб эгаллаганликлари тўғрисида ҳужжат оладилар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирганларнинг ҳаммаси уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак, махсус кийим билан таъминланадилар, зарурларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даврида ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақининг бир қисми тўланади.

Билим юртида жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, стадион, спорт зали, сузиш ҳавзаси мавжуд. Шунингдек эстрада, духовой ва миллий ансамблар ишлаб турибди. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, автобиография, тугилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома ёки аттестат; отаси ёки онасининг иш жойидан, турар жойидан, медицина (286-форма) справкалари; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-«Ташавтомаш» массиви, (1 «э», 16, 24-автобуслар, шунингдек районлараро Чирчиқ шаҳри томон қатнайдиган автобусларнинг сўнгги бекати: 13-трамвайнинг «ТТЗ» бекати, «Ялангоч» темир йўл станцияси).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ВА В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОРХОНАЛАРИГА;

Назарбек ва Хасново қурилишида иштирок этувчи «ВОЛГОДОНЭНЕРГОСТРОЙ», «САРАТОВТРАНССТРОЙ», «ГЛАВВЛАДИВОСТОКСТРОЙ» қурилиши ташкилотларига ва қурилиш трестларига

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Справкалар учун шаҳарларда аҳолини ишга жойлаштириш бюроси, район марказларидаги меҳнат бўйича ваколатларига, Тошкент шаҳрида — Привокзальная кўчаси, 39-уй, Тошкент область ижроия комитетининг меҳнат бўйича бўлимига мурожаат этилсин.

«ЕТТИ УМИД КАМАЛАГИ»

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудиясида яқинда «Етти умид камалаги» бадиий филъми суратга олинди. Болаларга мўлжалланган бу фильм халқ афсоналари асосида яратилган бўлса-да, унда бугунги кун руҳи, давр даъвати яққол сезилиб турибди.

Маълумки, кишилар қадим-қадим замонлардан буён ўй-интилишлари ва эзгу идеалларини ўзида мужассам этувчи афсоналар тўқиб келишган. Мазкур фильмнинг сценарий муаллифи дағистонлик ёзувчи Аҳмадхон Абу-Бакар ҳам халқнинг ўша улуғ анъаналарини давом эттиришга интилади. Картинага ўзининг қатор фильмлари билан томошабинларга яхши таниш бўлган Ҳабибулло Файзиев режиссёрлик қилди. Бу фильм ўзбек режиссёрининг дағистонлик ёзувчи билан ҳамкорликда яратган биринчи асаридир.

Фильм қаҳрамонлари уч хил дунёқараш ва тоифага мансуб: ўзининг ҳалол меҳнати эвазига ҳаёт кечирувчи уста Наби ва унинг қизи Гулшан бошлиқ ҳунармандлар. Фақатгина ўзгалар меҳнати ҳисобига кун кўрувчи, меҳнат қилишга мутлақо лаёқатсиз Малика ва унинг қўл остидаги сарой аҳли ҳамда на биринчи, на иккинчи тоифага мансуб бўлмаган, шамолнинг эсишига қараб дуч келган йўлдан юришга одатланиб қолган қароқчилар Али ва Вали, ёруғлик ва эрк ғаними бўлган Қоратош бошлиқ бир гуруҳ ёвуз кучлар.

Картина ижодкорлари шу уч тоифа кишилари ўртасидаги кураш орқали ўз олдиларига қўйган асосий мақсадни — меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик ва чин муҳаббат мавзуларини очиб берадилар.

Фильмнинг бош қаҳрамони — қулол уста Набининг қизи. У ҳусну малоҳат ва лутфу латофатда тенги йўқ, меҳнатсевар қиз Гулшандир. У самимий ва пок қалбли, бир умр ўзининг ҳалол меҳнати билан яшайди. Унинг ягона истаги бор: «Дунёдаги ҳамма одамлар бахтли бўлсалар. Бу бахтга улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари эвазига эришсалар». Гулшан билан шаҳзода Бахтиёр биринчи учрашувдаёқ бир-бирларини севиб қолишади. Бироқ қиз Бахтиёрнинг насли-насабидан бехабар. Шаҳзода уста Наби хонадонига совчилар юборади. Улар ўзлари билан бир дунё қимматбаҳо мол-мулк олиб келадилар. Совчилар бошлиғи чол билан унинг қизига инсон бахти мана шу мол-дунёда эканлигини уқдирмоқчи бўлади. Шунда Гулшан ундан сўрайди:

ЯНГИ ФИЛЬМ

— Хўш, шаҳзоданинг қандай ҳунари бор?

— У — шаҳзода,—дейди совчилар бошлиғи, — мол-дунёси ҳаддан зиёд. Ҳеч қандай ҳунар эгаси бўлмасаям бир умр бахтли яшайди.

Гулшан савол беради:

— Агар бирор фалокат юз бериб у молу-мулкидан ажралиб қолса, нима бўлади, қандай кун кўради?

Совчилар бошлиғи бу саволга жавоб беролмай қолади. Гулшан эса бундай бахтдан воз кечади:

— Биз ҳаётни ҳар хил тушунар эканмиз, менга бундай бахтнинг кераги йўқ, — дейди у. Бу ролни Тошкент Давлат медицина институтининг III курс талабаси Насиба Иброҳимова жозибали гавдалантиришга муваффақ бўлган. Яқиндагина ўрта мактабни тугатган Абубакир Қобулов эса шаҳзода Бахтиёр ролини маҳорат билан ижро этган.

Шу ўринда режиссёрнинг тинимсиз изланиши ва санъатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Зеро, постановкачи-режиссёр Ҳ. Файзиев бу икки образга мос ижрочиларни танлашда мақсадга мувофиқ иш олиб борган.


Бахтиёр — кучли зиддиятлар асосига қурилган образдир. У Маликанинг якка-ю ягона ўғли бўлиб, кибордлар даврасида тарбия кўрган, бир умр машаққатсиз кун кечирган шахсдир. Аммо у пок муҳаббат эгаси ва унинг севгисига ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Шунинг учун ҳам у ўзига ўхшаш кишиларни, саройни, бойликларни тарк этади. Севгилисига эришиш учун ҳунар ўрганади, барча машаққат ва изтиробларга бардош беради, кулолчилик санъатига меҳр қўяди ва ўз меҳнати билан шуҳрат қозонади.

Фильмда ёш ижодкорлар билан бирга тажрибали актёрлар ҳам қатнашадилар. Булар Али қароқчи ва Қоратош ролларини ижро этган республикада хизмат кўрсатган артист Б. Ихтиёров ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳ. Умаровлардир.

Фильмдаги С. Исаева ижро этган Паризод образи эпизодик бўлишига қарамай томошабин хотирасидан мустаҳкам ўрин олади. Бу ижрочининг улкан истеъдодидан далолатдир. Бироқ уста Набн (актёр Ш. Эргашев) роли бир мунча пассивроқ талқин этилгандай таассурот қолдиради.


Шунга қарамай, фильм меҳнатни улуғловчи, ёшларни ҳунар ўрганишга, жамиятимиз ва халқимиз учун наф келтирувчи шахс бўлиб етишишга даъват этувчи асар сифатида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Б. ЭГАМҚУЛОВ, Л. РАҲМОНОВ.



РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

● ХОРАЗМ. Шовот районидаги «Ленинград» колхозида ташкил этилган «Оқ олтин» ёшлар бадиий ҳаваскорлик ансамбли репертуарида юзга яқин қўшиқ ва рақслар бор. Улар ўз санъатларини дала механизаторлари ҳузурида намойиш қилмоқдалар. Суратда: «Оқ олтин» ансамбли колхоз дам олиш уйида хордиқ чиқараётганлар ҳузурида.



● ФАРҒОНА. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак ишлаб чиқарадиган қурилма барпо этилаяпти. У бир йилда 450 минг тонна маҳсулот чиқаради. Қурилишни тугаллаш шу йилнинг тўртинчи кварталига мўлжалланаётир. Йирик иншоотни қуришда 20 дан ортиқ ташкилот иштирок этмоқда. Улар қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ишларни ўзлаштиришди. Суратда: қад кўтараётган қурилманинг умумий кўриниши.

ЎзТАГ фотолари.

ХОДИСА

ЙИРТҚИЧЛАР ИЗИДАН

Бўстонлик районидаги Сойлиқ, Хондойлиқ ва Чимбойлиқ қишлоқларининг жамоат чорвачилиги бир неча муддат бўрилардан зарар кўра бошлади. 8 бўридан иборат йиртқичлар тўдаси гоҳ у, гоҳ бу яйловда пайдо бўлар, уларнинг муқим яшаш жойини топиш қийин эди.

Бўрилардан безор бўлган аҳоли Каримберди Раҳмонбердиев бошлиқ овчиларга мурожаат қилди. Уч нафар овчидан иборат группа бўрилар тўдасини тарқатишга отланди.

Тоғлар оралаб дастлабки 2 кунлик ҳаракат ҳеч қандай натижа бермади. Учинчи куни сойма-сой юрган овчилар йиртқичлар изини топишга муваффақ бўлишди. Изларининг кўплигидан бўриларнинг манзилгоҳларига борувчи асосий йўл шу ерда эканлиги кўриниб турарди...

Тун ярмигача атрофни кузатиб ўтирган овчилар бирдан сергакланишди. Ой ёруғида ўша кўпчиликнинг оғзига тушган катта, кулранг бўри бошчилигидаги йиртқичлар тўдаси сўқмоқ йўлдан чорва моллари яшаётган томонга қараб келарди. Афтидан, икки кун таъқибда юриш уларнинг ҳам жонига теккан. Бўрилар тўдасининг тобора яқинлашиб келиши вақтмали эди. Аммо овчилар — Каримберди Раҳмонбердиев, Усмон Турдиқулов, Маннон Йўлдошевларнинг йиртқич билан юзма-юз келишлари биринчи марта эмасди.

Бир йўла янграган уч милтиқнинг овози узоқ-узоқларда акс садо берди. Моҳир овчиларнинг ўқи нишонга тегканди. Сўқмоқ бўйида йўлбошчи бўридан ташқари яна икки йиртқич чўзилиб қолди.

А. ИБРОҲИМОВ.

ПИОНЕРЛАР МЕҲМОНИ

Йирик санъат арбоби, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Шукур Бурҳонов билан Орджоникидзе районидаги колхозлараро «Гулхан» пионер лагерида дам олаётган ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Республика «Фан» нашриётининг директори Ҳ. Шомаҳмудов пионерларни ҳурматли меҳмоннинг ижодий фаолияти билан таништирди. Сўнгра артист ёшларга ўз хотираларидан сўзлаб берди.

Қ. ИЎЛДОШЕВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ҲАФАЛИКНИ ОРҚАГА ТАШЛАНГ

Гипертония касаллигининг асосий белгиси — артериал қон босимининг кўтарилишидир.

Қон босимини ўлчашда икки хил даража аниқланади: юрак қоринчасининг қисқариш даврига мос келадиган **максимал босим** ва юрак қоринчисининг бўшалиш даврига тўғри келадиган **минимал босим.**

Кўпгина олимлар максимал қон босимининг нормадаги чегараси симоб устунининг 140 миллиметрига ва минимал қон босимининг нормадаги чегараси симоб устунининг 90 миллиметрига баравар бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Гипертонияни гипертония касаллигидан фарқ қилиш лозим. Қон босимининг ҳар қандай кўтарилишини гипертония касаллиги деб ҳисобламаслик керак. Турли касалликларда кишининг қон босими кўтарилиши мумкин. Гипертония — бу қон босимининг вақтинча кўтарилиши бўлиб, у буйракнинг яллиғланиш касалликларида (ўткир ва сурункали нефрит, пиелонефрит), буйрак-тош касаллиги ёки сийдик ажратиш системасининг ривожланишидаги туғма пороклардда, бош мия ва орқа мия кисталари ҳамда ўсмаларида, мия травмаларида учраиди. Ички секреция безларининг турли касалликларида ҳам гипертония кузатилади.

Оғир ва кучли кечинмалар, ўткир руҳий травмалар, узоқ вақтлар ҳасрат чекиш, ақлий толиқишлар, кам ухлаш ва шу кабилар гипертония касаллигининг келиб чиқишига ва унинг ривожланишига олиб келади, чунки совет олимларининг айтишларига қараганда, унинг асосида олий нерв системасининг функционал бузилиши, яъни неврозлар ётади.

Бу касалликнинг ривожланишига етарли дам олмасдан, айниқса кечалари ақлий меҳнат билан кўп шуғулланиш, чекиш (бу қон томирларини торайтиради), шунингдек кўп овқат ейиш сабаб бўлади.

Артериал қон босимининг турғун кўтарилишига кўмаклашувчи сабаблар орасида ички секреция безларининг гормонлар ишлаб чиқариш функциялари катта аҳамиятга эга. Бу функциянинг бузилиши гипертония касалligига олиб келиши мумкин.

Касаллик бошланиш даврида қон босимининг фақат вақти-вақти билан кўтарилиб туриши кўрилади. Кейинчалик қон босимининг кўтарилиши анча турғун бўла бошлайди ва юқорида кўрсатилган аломатларга ҳаст учун муҳим бўлган органлар (юрак, бош мия ва буйрак) функцияларининг бузилиши қўшилади. Бунда баъзи бир беморларда юрак — қон томирлар системаси иши бузилса, бошқаларда бош мия ёки буйрак функцияси бузилиши кузатилади. **Гипертония касаллиги уч босқичда кечади.**

I босқичга қон босими турғун бўлмаган касаллик формаси киради. Бу босқичда босимнинг кўтарилиш даври нормал босим даври билан алмашиниб туради.

II босқич қон босимининг кўпроқ ва узоқ вақтгача кўтарилиши билан характерланади. Беморлар қаттиқ бош оғришидан ва уни бўйин ёки чаккага тарқалишидан, кўпинча бош айланишидан, меҳнат қобилиятининг пасайишидан, уйқу бузилишидан шиколт қиладилар. Юрак сиққандагига ўхшаш оғриқлар, тепага кўтарилганда ёки жисмоний иш вақтида бир оз нафас сиқилиши пайдо бўлади.

III босқич. Гипертония касаллиги барча белгиларининг янада яққоллиги ва турғунлиги билан характерланади. Бу босқичда бутун организмдаги қон томирларда, айниқса ҳаёт учун муҳим бўлган органлар: юрак, бош мия ва буйрак қон томирларида склероз пайдо бўлади.

Бу босқичда одатда кўриш ёмонлашади, нафас сиқиши, кўкрак орқасида оғриқ, хотира пасайиши пайдо бўлади. Сийдикда ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

У ёки бу органнинг кўпроқ зарарланишига қараб, гипертония касаллигининг бўйрак, бош мия ва юрак формалари фарқланади.

Гипертония касаллигида кўпинча кризислар — касалликнинг кескин зўрайиши рўй беради, бу артериал қон босимининг бирмунча ва тез кўтарилиши билан бир қаторда, бемор умумий ҳолатининг кескин ёмонлашиши билан кечади. Бу ҳолат нерв, юрак-қон томир ва организмнинг бошқа системалари фаолиятининг кўзга кўринарли функционал бузилишлари билан боғлиқдир.

Касалликнинг олдини олиш асосан кишининг нормал турмуш шароитларига боғлиқ, бу кўпгина факторлардан ҳосил бўлади, булар орасида кишиларнинг ўзаро яхши муомалада бўлишлари муҳим ўрин тутади.

Организмни чиниқтириш ва гипертония касаллигининг олдини олишда физкультура ва спорт муҳим аҳамиятга эга. Бу модда алмашинишининг яхшиланиши ва фақат юрак-қон томирлар системасининг ишинигина эмас, балки барча органларнинг ишини яхшиланишига ёрдамлашади. Бунга эрталабки физкультура машқлари, ҳар куни соф ҳавода сайр қилиш, нафас олиш органлари учун гимнастика киради.

Гипертония касаллигининг олдини олиш ва даволашда овқатланиш режими, яъни кун давомида овқатни маълум вақт ва тинч шароитда қабул қилиш муҳим роль ўйнайди. Кўп ҳолларда овқатдаги ош тузи миқдорини чегаралаш тавсия қилинади.

Нерв системасини кескин қўзғатувчи аччиқ чой, кофе, ўткир консервалар, дориворлар, сурланган озиқ-овқат ва ичимликларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Семиз беморлар сариёғ ва уили овқатларни, бўтқа ҳамда ширинликларни камроқ ейишлари керак.

Гипертония касаллигининг бошланғич босқичларида Қораденгиз соҳиллари, Рига ёнидаги денгиз соҳиллари, Олтой ўлкаси ва Қримдаги курортларда даволаниш тавсия этилади. Касаллик асосида невроз ётганлиги сабабли доимо нерв системасини даволашга катта аҳамият берилади.

Гипертония касаллигининг зўрайиши ва оғир кечишида беморлар стационарларда даволанадилар.

Ш. ШОМУРОДОВ, А. ҚОСИМОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.25 — «Спартак» балетидан парчалар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Апрель революцияси ҳақиқати. Ҳужжатли фильм. 16.10 — «Уфқ», «Отам, онам ва мен» — спортчилар оиласи». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.40—Горнчилар, қаердасиз! 18.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Лирик қўшиқлардан концерт. 20.00 — Экономика тежамли бўлиши керак. 20.20 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм.— 3-серия. 21.30— Время. 22.05 — Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. ЧССР—Европа терма командалари. 23.50 — Москва камер хорининг концерти.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Мультфильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.15 — Мактаб ўқувчилари учун. Ёзги меҳнат семестри. 12.45 — «Колумб» шхунасининг юнгаси. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўқувчилар бригадасида. 19.00 — Мусобақа —омма ижоди. 19.30 — Ахборот. 19.45 Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Тошкент технологияси — барчага. 22.25 — Бугун оламда нималар? 22.40 — «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Фильм-портрет. 19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — Транспорт ва пиёда. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шахс болаликдан бошланади. Телефильм. 20.50 — Чинор. Урта Осиёда маиший хизмат қурилиши тарихидан. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/VIII да Олтин девор, 20/VIII да Ганг дарёсининг қизи, 21/VIII да Ун учинчи раис.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

30 август — 9 сентябрь кунлари соат 12.00 ва 18.00 да

БОКС БЎЙИЧА СССР ШАХСИЙ БИРИНЧИЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Мусобақаларда XXII Олимпиада ўйинларининг совриндорлари, Европа ва СССР чемпионлари қатнашадилар.

Мусобақанинг тантанали очилиши 30 август соат 17.00 да.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Мусобақа кунлари транспорт кўпайтирилади. Хусусий транспортлар учун тўхташ жойи ташкил қилинади.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

«Конимех» Давлат наслчилик заводига эҳтиёт қисмларини олиш учун берилган 556, 557, 558 номерли йўлланмалар

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ

ва Конимех райсельхозтехникасига берилган 868 номерли йўлланма

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02205. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1699. 1.